

Хурматли Илҳом Фозилов, Сизнинг «Халқ сўзи» рўзномаси орқали 11 апрел кунини менга баған мурожаатингизни ўқиб чиқдим. Очиги, ярамаг туз сепилган дийда бўлди. Ҳозирги кунда биз ҳам турли хил «тескари ташвиқот»лардан куйиб юрбимиз. Рухсат этинг, сизга ва сизга ўхшаш азизларга жавоб қилади.

Диндорлар ҳам ўзлари нишанга жамиятнинг ажралмас қисми. Жамини ўзгартиришлар ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шу сабабдан ҳозирги кунда бўлаётган олатасирлар, бебошилар ва ҳоказолар диндорлар орасида ҳам бор. Ёв қочса ботир кўпайди деганларидек, динга келг минос беришгани даи сўнг сиз эирик қилган «зоти шариф»га ўхшаганлар жуда ҳам кўпайди.

қолганларга дўзах гувоҳномаларини улашиб юрганга ўхшайдилар.

Хурматли Илҳомжон Фозилов, бундай ишларнинг бирортаси ҳам Исломига тўғри келмайди. Бандаларнинг ибодатини «зоти шариф»лар эмас, Аллоҳнинг ўзи қабул қилади. Ким жаннат-ю ким дўзахлигини ҳам фақат Аллоҳнинг ўзи ҳал қилади, ҳатто пайгамбарлар ҳам эмас. Сиз, чала муллагларнинг ваззлари Исломига қанча қувват бағишларкан, деб савол берайсиз. Жавоб битта: улар Исломига фақат

Маълумки, Фиръавн худодик давсоний қилган, ер юзини фасоду зулмга тўлдирган. Аллоҳ таоло ўша зулмининг ҳузурига Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларни юборайтиб, унга юмшоқ гапиринглар, шояд эси-ҳуши жойига келиб ҳидоятга юрса, деган. Ҳозирги кундаги энг катта гуноҳдор ёки кофир ҳам Фиръавндан баттармас. Шунингдек, энг олий мақом «зоти шариф» ҳам Мусо пайгамбардан афзал эмас. Лекин «зоти шариф»лар Аллоҳнинг бу қўрғатмасига ҳам заррача амал қилмаптилар.

Улар пайгамбар алайҳиссаломни қўйиб, кимдан ўрнак олаётдилар, тайини йўқ.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳининг ноёнакор бир қўшиғи бўлган экан. Атайлаб кун бўйи Имом Аъзамга озор бераркан. Бақириб сўнари ашула айтар, ахлатларни ул кишининг ҳовлисига ташлар экан ва ҳоказо. Бир кун қўшни тиңчи қилибди. Имом хавотир олиб суршитирсалар, айб қилиб ҳисоб тунган экан. Хазрати Имом шўшлди, бориб қўшинни ҳисобдан чиқариб олибди. Қўшни ҳидоятга тушибди.

ЯРАМГА ТУЗ СЕПДИНГИЗ

«ХАЛҚ СЎЗИ» РЎЗНОМАСИДА БОСИЛГАН «ТЕСКАРИ ТАШВИҚОТ» МАҚОЛАСИНИ УҚИБ

завар келтиришди. Агар «зоти шариф»ларда мусулмонликни тарғиб қилиш иш-тиғи бўлса, Қуръонни қаримга, пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларига, ўтган асиларимизнинг тажрибаларига суянишимиз.

Аллоҳ таоло бандаларининг ҳолидан хабардорлиги учун Қуръонни қарим оятларини бирдангина эмас, йиғирма уч йил давомида аста-секин тундириди. Аввалги ўн уч йилда фақат динга тарғиб, кейин Аллоҳ ўз китоби илоҳийси — Қуръонда «ўз Раббингиз йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза билан чақиргин» дейди. «Зоти шариф»лар бу оятга амал қилмайдилар.

Аллоҳ Қуръонни қаримда: «Агар қўпол, меҳри қаттиқ бўлсанг, атрофингдагилар албатта тарқаб кетардилар» дейди. «Зоти шариф»лар бу оятга риоя этмайдилар.

Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалам: «Енгиллаштиринглар, оғирлаштирманглар, башорат-суюнчилик сўзларини айтинглар», деганлар. Шу ҳадисга амал этган уламолар доимо юмшоқ, мулоим сўзу услуб билан кишиларни динга ташвиқот қилдилар. Лекин «зоти шариф»лар бу ҳадисга ҳам амал этмайдилар. Улар қайси пайгамбарнинг қайси қўрғатмаси билан иш тутайётганларга ҳайронимиз.

Маҳбуб пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ларига қўпол муомалада бўлган, беодоблик қилган, ёқаларидан маҳкам тутиб, қаттиқ силкитган кишиларга ҳам худшумомалик қилганлари барча ҳадис ва сийрат китобларида ривоят этилган. Лекин «зоти шариф»лар бунга ҳам амал қилмайдилар.

«Зоти шариф»ларнинг ўрнак олаётган имомлари ким экан, билиб бўлмайди.

Хурматли Илҳомжон Фозилов, қўшинингизнидаги ифторликда бўлиб ўтган ҳодиса халқимизнинг ўсиб бораётган диний саводининг галабаси ва «зоти шариф» — чала муллагларнинг мағлубияти бўлибди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси илоки борица ишларини бир маромда олиб боришга, халқимизга диний таълимни кенгроқ етказишга ҳаракат қилмоқда. Расийи масжидларга қўрғатмалар бериб борилади. Аммо гуруҳ қурмасиз бўлмагандай, баъзида номаъқул чала муллаглар ҳам учраб турадилар. Бизнинг қарамогимизда бўлмаган муллаглар ҳам кўп, улар эса ўзи хон, қўланаси майдон. Лекин тез фурсатда оқ — оққа, қора — қорага ажрайди. Халқ ким ҳақлигини ажратиб олади. Биз ҳам қўлимиздан келган ҳаракатни қиламиз.

Ўзгўрлий саволларингизга шахсан жавоб беришимиз мумкин. Кўюнчалгингиз, муҳим мавзунини кўзга, савобли иш қилганингиз учун Сизга чин қалбдан ташаккур.

Эътиром билан:

Муфтий Муҳаммад Солиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, СССР халқ депутати.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ УРГАНЧ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ 1991—1992 ўқув йилига

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Коллежда ўқиш икки поғонада олиб борилади.

I поғона — ўрта махсус маълумот.

II поғона — юқори даражали маълумот.

II поғонали коллежда қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрланади:

турар жой ва жамоат бинолари меъморлиги, Ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой;

бинолар ва иншоотлар қурилиши, Ўқиш муддати — 3 йилу 7 ой;

газ таъминоти ускуналари ва тармоқларини ишлатиш, Ўқиш муддати — 3 йилу 8 ой;

қурилишда иқтисод ва режалаштириш, Ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.

Ўқишни битиришга тегшли ихтисосдаги кичик муҳандис малакаси берилади.

I поғонали коллеж юқорида қўрсатилган ихтисослар билан бир қаторда яна иккита ихтисосдаги мутахассисларни тайёрлайди:

қурилишда хўжалик фаолиятининг ҳисоб-китоби, назорати ва таҳлили;

қўқаламзорлаштириш ва бог-хлебон хўжалиги;

I поғонали коллеж сиртки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мутахассислар тайёрланади.

Хужжатлар кундузга бўлимга — 1 июндан 31 июлгача, сиртки бўлимга — 3 майдан 10 августгача қабул қилинади.

Коллежга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топширадилар: коллеж директори номига ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асли), 086/У намунадаги тиббий маълумотнома, меҳнат дафтари эки колхозчи дафтари ҳасидан маъмурият томонидан тасдиқланган кўчирма (амалий иш тажрибасига эга бўлган шахслар ва сиртки бўлимга кирувчилар учун), 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, паспорт ва мажбурий ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан қўрсатилади (бу ҳақда кирувчиларнинг шахсий ҳужжатларига тегшли қайд ёниб қўйилади).

Эслатиш: ўқув юртлари ёки бошқа муассасалар томонидан берилган маълумоти тўғрисидаги тасдиқномалар, асл ҳужжатларнинг нусхалари коллежга кириш учун асос бўла олмайди.

Хунар-техника билим юртини тутатганлик тўғрисидаги гувоҳнома унда умумтаълим фанлари ўрта мактаб ҳажмида ўқитилганлиги қўрсатилган ҳолдагина коллежга кириш учун асос бўла олади.

Қабул комиссияси кирувчилардан аризага қўшиб топшириладиган ҳужжатлар билан бир қаторда ўқиш ёки иш юбидан тавсияномалар ёки ўқишга киривётган шахсининг меҳнатдаги, насбий йўналишдаги ижодий фаолиятини, умумий ва касбий тайёргарлик соҳасида эришган ютуқларини ақс этирувчи бошқа ҳужжатларини ҳам қабул қилади.

Кириш имтиҳонлари:

кундузги бўлимда — 1 августдан 25 августгача, сиртки бўлимда — 10 августдан 30 августгача ўтказилади.

I ва II поғонали коллежга кирувчилар танлаган мутахассисликларидан қатъий назар қуйидаги фанлар бўйича имтиҳон топширадилар: математика (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма).

турар жой ва жамоат бинолари меъморлиги мутахассислигига кирувчилар расмдан қўшимча имтиҳон топширадилар.

II поғонали коллежга ўқишга кирувчилар юқорида қўрсатилган ўқитилганларга қўшимча равишда қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

турар жой ва жамоат бинолари меъморлиги мутахассислигига — расмдан;

бинолар ва иншоотлар қурилиши, газ таъминоти ускуналари ва тармоқларини ишлатиш мутахассисликлари — чизмачиликдан;

қурилишда иқтисод ва режалаштириш мутахассислигига — информатикадан.

Коллежнинг манзили: Урганч шаҳри, В. И. Ленин кўчаси, 20-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 6-64-97, 6-15-71.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ УРГАНЧ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ

профессор-ўқитувчилар тарихидаги бўш лавозимларга кафедралар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МУДИРЛАР: ижтимоий фанлар асослари ва фалсафа, тил ва адабиёт, жисмоний тарбия, ЭХМ ва программалаштириш, чизмачилик ва чизма ҳандаса, меъморий лойиҳалаштириш, расм ва рангтасвир, замин ва қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил қилиш, қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш ва иқтисод, газ таъминоти асбоб-ускуналарини ишлатиш.

Мутахассислиги юқоридаги кафедрадан бирига мос келувчи маслаҳатчи-профессор.

ДОЦЕНТЛАР: ижтимоий фанлар асослари, бошқарувчилик фаолияти ва совет қонунийлиги асослари, рус тили ва адабиёти, жисмоний тарбия, ЭХМ ва программалаштириш, электр техникаси ва қурилиш майдончаларининг электр таъминоти, расм ва рангтасвир, чизмачилик ва чизма ҳандаса, меъморий тарихи, меъморий лойиҳалаштириш, қурилиш материаллари ва деталлари, муҳандислик геодезияси, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил қилиш, қурилиш заминлари ва конструкцияларини ҳисоблаш, қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш ва иқтисод, қурилишда ҳисоб-китоб, қурилишда хўжалик фаолиятининг таҳлили, газ таъминоти асбоб-ускуналари ва тармоқларини ишлатиш.

КАСА ТАЎҚИТУВЧИЛАР: ижтимоий фанлар асослари, рус тили ва адабиёти, жисмоний тарбия, олий математика, чизмачилик ва чизма ҳандаса, турар-жой ва жамоат биноларини таъмирлаш ва реконструкциялаш, бино ва иншоотлар конструкцияси, муҳандислик геодезияси, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил қилиш, техникавий механика ва қурилиш механикаси, қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш, қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш ва иқтисод, қурилишда ҳисоб-китоб, қурилишда хўжалик фаолиятининг таҳлили, газ таъминоти асбоб-ускуналари ва тармоқларини ишлатиш.

ЎҚИТУВЧИЛАР: ижтимоий фанлар асослари — 2, рус тили ва адабиёти — 2, жисмоний тарбия, чет тили — 2 (0,5), ЭХМ ва программалаштириш, электр техникаси ва қурилиш майдончаларининг электр таъминоти, чизмачилик ва чизма ҳандаса, бинолар ва иншоотларнинг конструкциялари, қурилиш материаллари ва деталлари, муҳандислик геодезияси, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил қилиш, техникавий механика ва қурилиш механикаси, қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш, қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш ва иқтисод, қурилишда ҳисоб-китоб, қурилишда хўжалик фаолиятининг таҳлили, газ таъминоти асбоб-ускуналари ва тармоқларини ишлатиш.

АССИСТЕНТЛАР: ижтимоий фанлар асослари, рус тили ва адабиёти, жисмоний тарбия, муҳандислик геодезияси, чизмачилик ва чизма ҳандаса — 2, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил қилиш, қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш, қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш ва иқтисод, қурилишда ҳисоб-китоб, газ таъминоти асбоб-ускуналарини ва тармоқларини ишлатиш, меъморий лойиҳалаштириш, ЭХМ ва программалаштириш.

Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан

ПОЙДЕВОР ҚҲЙИЛДИ

Андижон районидagi Керл Маркс номида давлат хўжалиги ҳудудидан «Бог Бобур» учун ажратилган 216 гектар майдоннинг бир қисмига дастлаб ки маъмарлар дарахт кўчатлари экилади. Бог қурилишининг пойдеворини ўрнатишга бағишланган тантанали маросимда маҳаллий совет вакиллари, оқ соқоллар, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Маросимни Андижон район партия комитетининг биринчи котиби Н. Шониров оқди. Андижон шаҳар советининг раиси О. Отабова бог учун ар ажратган район меҳнаткашларига миннетдорчилик билдирди.

Бу жой вилоятимиз эколеси учунгина эмас, Бобур ижоди ва шахси билан аниққан дундадаги барча кишилар учун эиҳаратгоҳ бўлиб қолади.

Хартумлик оқсоқол, уруш ва меҳнат фажрийси Мамедели ота Тамиров, совхоз боғбон-Исоқон ота Бобова, совхоз директори Абдували Боласозов, вилоят табиати муҳофазат қилиш комитетининг раиси Ж. Каттахўжаев кўчат экиш, бог яратилишини савоби ҳақида сўзладилар. Мазкур бог Бобур хотираси учун ўрнатилган энг катта ёдгорлик бўлажани энг таъкидладилар. Уйғур меҳнатининг хатиб-имоми Аҳмаджон ҳожи Яминжон ҳожи ўғли оқ фотиха берди.

Вилоят совети ижроия комитети қошидаги юбилей комиссияси бог учун ажратилган жойини кўқаламзорлаштириш ва обдонлаштиришга бош-қош бўлимоқда. Вилоятимиздаги барча районларга бог ҳудудидан жойлар ажратилди, уларда хўжаликлар, ташкилотлар обдонлаштириш ишларини олиб борадилар.

Ҳа, Бобур боғини яратишда гоат олжаноқ ва савоб ишдан вилоятимиздаги ҳеч бир ташкилот, хўжалик, корхона, муассаса четда қолмайди.

Ж. ТУРДИЕВ, Андижон ноҳиясидаги 2-ўрта мактаб директори, Ўзбекистон ССР халқ меҳнат рафи аълоиси, жамоатчи музбир.



Риштон бадий-сопол буюмлар заводида тайёрланаётган маҳсулотлар сонига яна сакинзта қўшилди. Вулар ёдгорлик идишлари бўлиб, ҳар биркида Алишер Навоий суварати, буюк шоирнинг асарлари сюжети асосида чизилган миниматорлар тасвирланган.

КЕКСАЛАРНИ УНУТИШГАНИ ЙЎҚ

АНДИЖОН. Матлуботчилар собиқ ҳажмасларига қўшимча нафақа тўлашни йўлга қўйдилар.

БОЗОР иқтисоди қарияларнинг моддий аҳволини оғирлаштирмайдими? Ҳукуматимиз қанчалик гамхўрлик қилмасин, бари-бир кам таъминланган кишилар тақдирини ҳақида ўйлашга тўғри келади. Шунинг назарда тутиб Андижон шаҳридаги «Ёшлик» мактаб-дуқони жамоаси саводдан келётган фойдангир бир қисмини қарияларга ажратиш ташаббуси билан чиқди. Илгари жамоада ишлаб, эндиликда дам олаётган нафақахўрларга ҳар ойда 30 сўмдан 100 сўмгача ёрдам беришга келишилди. Нафақага қўшимча пуллар февраль ойидан бошлаб тўланамоқда.

Фозилжон ШОДМОНЛИ, «Халқ сўзи» мухбири.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Кимда-ким ўзини хаста деб билса, қандай касаллиги бўлишидан қатъий назар шу дардларидан фориғ бўлишини истаса

5 — 9 июнь кунлари

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОИДА «САВОБ» хайрия фирмасининг «ХИСЛАТ» соғломлаштириш маркази ўтказадиган Ўзбекистоннинг етакчи руҳий муолажаkori, СССР Экстрасенслар ассоциациясининг аъзоси

Абдурафиқ ҒОҒУРОВНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРСИН

А. Ғоғуров жаҳонда биринчи бўлиб радио-телевидение-си республикадаги беморларни узоқ масофадан туриб даволаган.

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ АВТОКОРХОНАЛАР, АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТИ ҚУРСАТИШ СТАНЦИЯЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ХУСУСИИ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА ВИЛИМ ЮРТИ НЕГИЗИДА ҚУБИДАГИЧА ИХТИСОС ЙЎНАЛИШЛАРИ БИЛАН «АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАЪМИРЛОВЧИ ЧИЛАНГАР» КАСБИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ УҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛАДИ

Автомобиль шассисини таъмирловчи чилангар (агрегатчи-кузовчи). Ўқиш ҳақи — 340-436 сўм

Автомобилнинг электр ускуналарини таъмирловчи чилангар (автоэлектрчи-аккумуляторчи). Ўқиш ҳақи — 297-413 сўм.

Дангатедалар ва ёқилга аппаратурасини таъмирловчи чилангар (карибюраторчи-моторчи). Ўқиш муддати — 2,5 ой. Ўқиш ҳақи — 288-400 сўм.

Токарь. Ўқиш ҳақи — 523 сўм.

Электргаз пайвандчи. Ўқиш ҳақи — 528 сўм.

ЎҚИШ УҚУВ ГУРУҲЛАРИНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАВ ВОШЛАНАДИ. Амалий таълим Тошкент шаҳар техник хизмати қўрсатиш станицяларида олиб борилади.

Ўқиш учун пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пул билан ҳақ тўланади.

17-ўрта Ҳунар-техника билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5, 24-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати); 3, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 68-67-09, 68-68-74.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 22.30. Индекс: 6-4008, 5407 буржотка.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қишлоқ Вайроқ ордени босмаханаси 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

